



**КАДРЛАР БУЮРТМАЧИЛАРИ БИЛАН ОЛИЙ  
ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ЎРТАСИДА ҲАМКОРЛИК  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИНТЕГРАЦИЯЛАШГАН  
ВЕБ-ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.48.33.068>

*Абдураимов Шерали Сайдиқармович,  
п.ф.ф.д. (PhD) доцент, Жиззах давлат педагогика институти*

*Аннотация: мақолада кадрлар буюртмачилари ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик самарадорлигини ошириш мақсадида яратилган интеграциялашган веб-технологияларнинг таркибий тузилмалари, дастурий таъминоти, битирувчилар портфолиоси, уларнинг касбий сифатлари ва меҳнат бозорига чиқишига тайёргарлик мазмуни келтирилган.*

*Калит сўзлар: кадрлар буюртмачилари, кадрлар бандлиги, тармоқлараро интеграция, таълим хизматлари, электрон портфолио, касбий компетенция.*

**ИНТЕГРИРОВАННЫЕ ВЕБ-ТЕХНОЛОГИИ ПОВЫШЕНИЯ  
ЭФФЕКТИВНОСТИ СОТРУДНИЧЕСТВА МЕЖДУ  
ЗАКАЗЧИКАМИ КАДРОВ И ВЫСШИМИ УЧЕБНЫМИ  
ЗАВЕДЕНИЯМИ**

*Абдураимов Шерали Сайдиқармович,  
д.ф.п.н. (PhD) доцент,*

*Джиззакский государственный педагогический институт*

*Аннотация: В статье описывается структура интегрированных веб-технологий, программного обеспечения, портфолио выпускников, их профессиональные качества и готовность к выходу на рынок труда, призванная повысить эффективность взаимодействия между заказчиками и высшими образовательными учреждениями.*

*Ключевые слова: заказчики кадров, занятости кадров, межотраслевая интеграция, образовательные услуги, электронное портфолио, профессиональные компетенции.*

**INTEGRATED WEB TECHNOLOGIES INCREASING THE  
EFFICIENCY OF COOPERATION BETWEEN CUSTOMERS AND  
HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS**

*Abduraimov Sherali Saydikarimovich  
PhD dosent, Jizzakh State Pedagogical Institute*

*Abstract: The article describes the structure of integrated web technologies, software, graduate portfolios, their professional qualities and readiness to enter the labor market, designed to improve the efficiency of interaction between customers and higher educational institutions.*

*Keywords: customers of personnel, employment of personnel, cross-industry*

*integration, educational services, e-portfolio, professional competencies.*

Республикамызда таълим соҳасига оид мавжуд меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар, олий таълим муассасаларининг инфратузилмаси, расмий сайти, профессор-ўқитувчиларининг ахборот компетентлиги касбий фаолият портфолиоларини яратиш учун зарур асосларни яратиб берди.

Тадқиқот жараёнида олий таълим муассасаси битирувчилар бандлигини таъминлаш ва уларни иш берувчилар билан таништиришнинг веб-технологиялари яратилди. Веб-технологияларни яратишда таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари, катта илмий ходим изланувчилар, магистр ва битирувчи талабалар портфолиолари ишлаб чиқилди ҳамда ушбу портфолио дастурий таъминотида Wordpress контентни бошқариш тизими асос қилиб олинди. Wordpress CMS Network sites (ҳамкорликдаги сайтлар) режимида ишга туширилган бўлиб, бу унинг кўп сонли фойдаланувчилар учун мўлжалланганини билдиради. Ушбу тизимда кўшимча тарзда плагинлар (ёрдамчи дастур) ҳам яратилган ва бу портфолио юритишда тизим ишини қулайлаштиришга имкон беради. Булар жумласига портфолиолар сонини аниқловчи, портфолио эгасининг фоторасмларини жойлаштирувчи, бир шаблон асосида факультет ва кафедралар бўйича янги портфолиолар яратувчи кабиларни киритиш мумкин. Wordpress очик дастурий кодли эканлиги унга керакли кўшимча ва ўзгартириш киритишга имкон беради. Шунингдек, веб-портфолионинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда фойдаланувчилар учун унинг ташқи кўринишини осонликча ўзгартириш имконияти ҳам мавжуд.

Илғор тажрибаларни оммалаштириш ҳамда тарғиб қилишнинг муҳим воситаси сифатида Интернет тизими орқали эълон қилиб бориладиган касбий фаолият портфолиоларини яратиш ҳамда уни мунтазам янгилаб бориш профессор-ўқитувчилар ва талабалар тўғрисидаги маълумотларни ҳам вақт бўйича, ҳам хусусияти бўйича тизимли баён қилишнинг энг қулай шаклидир.

Ҳар бир таълим муассасасида педагог шахси асосий ўринни эгаллайди. У ўз фаолиятини ташкил қилишда ўқув, илмий ҳамда маданий-маърифий тадбирларни тўғри режалаштириши, касбий педагогик маҳоратини узлуксиз ошириши учун ўзгариб боровчи замон талабларига тезкор равишда мослашиб бориши лозим.

Замонавий таълим муассасалари ижодий фикрловчи, таълимнинг замонавий метод ва технологияларини, педагогик-психологик диагностика усулларини, аниқ амалий фаолият асосида педагогик жараёни мустақил лойиҳалаш усулларини қўллай оладиган янги тоифадаги ўқитувчиларни талаб этади.

Маълумки, мутахассис кадрларнинг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлиги кўп ҳолларда унинг илғор технологияларни ўзлаштириш қобилияти, ўзгарувчан меҳнат шароитига мослаша олишига боғлиқ. Ушбу ҳолатларни инобатга олишда ўқитувчи портфолиоси технологиясидан фойдаланиш муҳимдир.



«Портфолио» тушунчаси фанга XV-XVI асрларда Ғарбий Европадан кириб келган бўлиб, уйғониш даврида архитекторлар ўз буюртмачиларига қурилиш лойиҳаларининг тайёр ва хомаки вариантларини «портфолио» деб номланган алоҳида папкада тақдим этишган. Ушбу папкада тақдим этилган ҳужжатлар талабгорда қурилиш лойиҳасининг сифатлари ҳақида таассурот ҳосил қилган. Ҳозирги вақтда эса бизнес оламида портфолио фирманинг ютуқларини кўрсатиш мақсадида, фотосуратчилик ва фотомоделлар соҳасида эса – суратлар альбоми сифатида тақдим этилади.

Портфолиони таълим соҳасида қўллаш ғояси XX асрнинг 80-йилларда АҚШда пайдо бўлди. АҚШ ва Канададан сўнг, портфолио ғояси Европа ва Японияда оммалашди, XXI асрнинг бошларида эса бу ғоя Россияда кенг тарқалди ва ҳозирги кунда бу ғоя Ўзбекистонда ҳам кенг ёйилмоқда.

«Портфолио» атамаси италян тилидан таржима қилинганда «реклама проспекти», «реклама кўрғазмаси», «фотоальбом», «портфель»; инглиз тилидан таржима қилинганда «портфель», «папка», «тўплам», «рўйхат»; француз тилидан таржима қилинганда «эстамплар блоки», «фотосуратлар блоки» деган маъноларни ифода қилади. Француз тилида portfolio сўзига яқин бўлган, «қоғоз», «папка» ёки «портфель» тарзида таржима қилинадиган portefeuille сўзи мавжуд. Рус ва ўзбек тилида «портфолио» сўзи синонимларга эга эмас, аммо «тақдимот», «таржимаи ҳол», «резюме», «ташриф қоғози», «тўплам», «кўрғазма» ва бошқа маъноларда қўлланади.

«Портфолио» сўзини «ўқув портфели», «ютуқлар портфели», «индивидуал ютуқлар папкаси», «касбий ўзини ўзи белгилаш кундалиги», «мутахассис папкаси», «ишчи портфель», «касбий ва таълимий ютуқлар портфели», «касбий карьера паспорти», «карьера портфели» ва шу каби сўз бирикмалари билан алмаштириш кўрсатмавий характерга эга. «Портфолио» тушунчасининг қатъий маъноси унинг қуйидаги учта асосий талқини билан боғлиқ:

тарқоқ қоғоз, ҳужжат ва расмларни сақлаш учун папка ёки портфель;  
юқори мансаб кишисининг ваколатлари ва мажбуриятлари соҳаси;  
муайян шахсга хос афзалликларнинг тасдиғи сифатидаги ишончнома ва тавсияномалар рўйхати.

Келтирилган маъноларнинг айнан учинчисида ўрганилаётган тушунча кейинги йилларда мамлакатимиз педагогик амалиётида кенг қўллана бошлади.

Таълим жараёнида кейинги вақтларда бўлажак мутахассисларда шакллантирилиши керак бўлган касбий компетенциялар сирасига «таълим олувчининг таълимий ва касбий ютуқлари тасдиғини йиғиш бўйича фаолиятни ташкил қилиш» қобилияти киритилмоқда. Бу тасодифий ҳол эмас, аввало, портфолио талабанинг турли материаллар кўринишида тақдим қилинган ўқув ёки ўқув-касбий фаолият натижалари йиғиндиси саналади. Портфолио билан ишлагани сари ўқув фаолиятининг ахборотни қайта ишлаш, тизимлаштириш, рефлексия, ўзини-ўзи баҳолаш, ўзини ўзи «Тақдимот қилиш» каби компонентлари тобора намоён бўлиб боради. Портфолиони таълим жараёнига киритиш зарурати у таълим олувчининг

турли предмет соҳаларига оид индивидуал ютуқлари динамикасини кузатиш ва қайд қилиш имконини бериши билан изоҳланади. Шундай қилиб, индивидуал ҳолда тўплаб бориладиган баҳо тизимини ишлаб чиқиш имконияти тақдим қилинади.

Тўплам кўринишдаги портфолио талабанинг ҳужжатлари ёки ишларининг оддий тўплами кўринишида тақдим қилинади. У амалиётда бир-бирига боғлиқ вазифаларни бажариш учун малакали кадрларни тайёрлаш ва уларнинг фаолиятини баҳолаш мақсадида қўллаш учун тавсия қилинади. Булар қаторига танлов ёки саралаш тадбирларининг ўтказилишини кузатиш, таълим олувчининг жорий ёки якуний рейтингини аниқлаш, ходимлар аттестациясини ташкил қилиш ва шу кабиларни киритиш мумкин. Шундай қилиб, портфолио баҳолаш, назорат қилиш, рейтинг, ташхислаш, аттестация функцияларини бажаради.

Портфолио ишончли, ҳақиқий, амалий ишларнинг реал ҳолатига мувофиқ бўлган, ўқув-касбий фаолият ютуқларини тобора объектив баҳолаш воситаси сифатида қаралади. У амалий йўналтирилган таълимда қўлланади ва таълим олувчининг алоҳида сифатларини (компетент ёндашув доирасида эса компетенцияларини) баҳолашни назарда тутди. Уни қўллаганда таълим олувчига реал ҳаёт ёки амалиётга максимал даражада яқинлаштирилган, яъни келгуси фаолиятнинг «ижтимоий» ёки «предметли» контекстини қайта яратадиган топшириқлар берилади. Анъанавий методлардан фарқли ўлароқ портфолио билан ишлаганда талаба ўз фаолиятини мустақил тарзда қуриш ва амалга ошириш имконига эга бўлади.

Шундай қилиб, таълим амалиётида портфолио куйидаги долзарб педагогик муаммоларни ҳал қилишга кўмаклашади:

таълим олувчиларнинг ўқув мотивациясини қўллаб-қувватлаш;

ўқув-касбий фаолиятини ташқи баҳолаш ва ўзини-ўзи баҳолаш натижаларини ҳисобга олган ҳолда қуриб, яхлит циклни мустақил амалга ошириш қобилиятини ривожлантириш;

ўқув-касбий фаолият жараёни ва унинг натижаларини таҳлил қилиш.

Вазифалар педагог томонидан талабанинг ўз ўқув ёки ўқув-касбий фаолияти жараёнида портфолиодан фойдаланишнинг психологик-педагогик жиҳатига алоқадор натижалари билан ишлашини ташкил қилиши ҳисобига ҳал қилинади. Мутахассисларнинг фикрича, қараб чиқиладиган технология метакомпетенцияларнинг ривожланишига кўмаклаша олади. Бу эса портфолиони ишлаб чиқиш бажарилган ишлар натижаларини шунчаки тўплаб боришдан фарқ қилишини билдиради. «Метабилиш», «ўзини-ўзи баҳолаш», «ўзини ўзи таҳлил этиш», «метаижодий таҳлил», «метакогнитив талқин» каби иборалар билан номланадиган мазкур жараённинг моҳияти талаба хатти-ҳаракатларини баҳолашни тубдан ўзгартиришни тақозо этади. Бу ўзгаришлар талабанинг билмаганидан, урдалай олмаганидан у билладиган, урдалай оладиган, эгаллашига томон ҳаракат қилишига, яъни педагогик баҳолашдан ўзини-ўзи баҳолашга «кўчириш» билан боғлиқ.

Таълим амалиётида портфолионинг куйидаги асосий турларидан

фойдаланилади: ҳужжатлар портфолиоси; ишлар портфолиоси; тақризлар портфолиоси, ишга жойлаштириш портфолиоси.

Таълим амалиётида портфолионинг бошқа турларидан ҳам фойдаланилади. Масалан, ютуқлар портфолиоси муайян модуль ёки блок, ўқув фанлари цикли бўйича натижаларни умумлаштиради.

Портфолио ўқув-касбий фаолият жараёни ва натижаларини баҳолашни назарда тутади. Рефлексив портфолио талаба томонидан мақсадларни таҳлил қилиш ва баҳолашга асосланади. Муаммоли-йўналтирилган портфолио муайян (ўқув, илмий, касбий, ижтимоий) муаммони ҳал қилиш мақсади, жараёни ва натижаларини акс эттиради. Гуманитар фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш портфолиоси таҳлил – баҳолаш – қиёслаш даражасидаги ишларни акс эттиради. Илмий адабиётларда портфолиони яратишнинг қуйидаги босқичлари асослаб берилган.

1. Мақсад белгилаш ва мотивациялаш босқичида таълим олувчиларнинг қизиқишлари, мақсадлар, вазифани қўйиш, уни ҳал қилиш режасини ишлаш, таълим олувчилар фаолият тузилмасини асослаш. Ҳужжатлар ва ахборотларни танлаш ва тизимлаштириш амалга оширилади.

2. Портфолиони материал билан тўлдириш босқичини ижро-операцион босқич деб аташ мумкин. Бунда материалларни, ёзувларни ва ишланма маҳсулотларни тўплаш ва саралаш, тизимлаштириш, муаммони ҳал қилиш (ютуқларга эришиш)нинг бориши далолатларини тўплаш амалга оширилади.

3. Ишлаб чиқиш бўйича фаолиятнинг таҳлил қилиш, ўрганиш босқичи ҳам портфолиони тақдимот учун тайёрлаш билан боғлиқ, шу сабабли портфолио материалларини англаш, ўзини ўзи тақризлаш, ўзини ўзи баҳолаш, материалларни тавсифлаш билан кечади.

4. Расмийлаштириш ва тақдимот босқичи портфолио материалларини унинг мақсадига мувофиқ тақдим қилишга тайёргарликдан иборат.

5. Фаолият натижаларини баҳолаш босқичи. Адабиётларда портфолиони баҳолашнинг учта усули келтирилади. Улар қуйидагилар: а) педагогларнинг материалларни тақризлаш бўйича доимий ишлаши, балларни қўйиб бориши ва ҳар бир талаба портфолиоси рейтингини белгилаши; б) портфолиони яхшилаш бўйича тавсиялар берадиган ва сифат жиҳатидан баҳолайдиган педагог, ишлаб чиқариш таълими катта устаси ва потенциал иш берувчилар иштирокида портфолиони тақдим қилиш тадбирлари; в) тўлиқ якунланган портфолиони талабаларни оралик ва якуний аттестациядан ўтказиш доирасида расман тақдим қилиш, уни локал тармоқда якуний баҳолаш билан эълон қилишни назарда тутади.

1-жадвалда талабалар портфолиосини ишлаб чиқиш, тақдим қилиш ва баҳолашнинг асосий қоидалари келтирилди.



**1-жадвал. Портфолио материални ишлаб чиқиш, тақдим қилиш ва баҳолаш қоидалари**

| Портфолио функциялари  | Қоида номи   | Қоида тавсифи  |
|--|--|--|
| Ахборот (талабанинг ўқув ёки ўқув-касбий фаолияти ҳолатини намоиш қилиш талабига жавоб бера оладиган сараланган материалларни узоқ вақт давомида мақсадли тўплаш ва алоҳида усулда тақдим қилиш) | 1. Мақсад ва вазифаларни белгилаш (қўйиш)                | Портфолио материални йиғиш ва тўплашдан олдин ўқитувчи талаба билан мақсад ва вазифалар, уларни ишлаб чиқиш ва тақдим қилиш бўйича ҳамкорликда ишлайди   |
|  | 2. Мақсад ва вазифаларни портфолио шаклида амалга ошириш | Портфолионинг мақсад ва вазифалари унинг шакли, жумладан, тузилмаси ва уни материал билан тўлдириш кетма-кетлигида (қачон? ким томонидан? қандай мезонлар асосида?) ўз аксини топиши керак                 |
|  | 3. Баҳолаш предметини ҳисобга олиш                       | Сараланган далолатлар фақат баҳолаш предмети ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қилиши, унга тааллуқли бўлмаган материаллар портфолиога киритилмаслиги керак  |
|  | 4. Таълим муҳити имкониятларини ҳисобга олиш             | Портфолиони тўлдиришда мавжуд ресурслар, педагог ва таълим олувчиларнинг тайёриги, таълим жараёнининг мантиқи, мақсадлари ва мазмунидан келиб чиқилади   |
|  | 5. Тузилма ва мазмуннинг эгилувчанлиги                   | Портфолио тузилмаси баҳолаш предмети ва бошқа омиллар ўзгарган, шунингдек, материаллар қўчирилган, алмаштирилган шунча ҳолларда қайта қўриб чиқиш имконини бериши лозим                                    |
|  | 6. Тузилма ва мазмуннинг мақбуллиги                      | Портфолионинг бўлими, рукни ва материаллари уни ишлаб чиқишдан кўзланган мақсад ва вазифаларга эришиш учун зарур ва етарли бўлиши керак  |
|  | 7. Киритиладиган материалларнинг ишончлилиги             | Сараланган материал аниқ ифодаланиши (муносабат билдирилиши, уларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш мақсадида) ва саналаниши (баҳоладиган предметнинг ривожланишини кузатиш имконияга эга бўлиш мақсадида) керак |
|  | 8. Киритиладиган материалларнинг ранг-баранглиги         | Сараланган материал шакли ва мазмунига кўра ранг-баранг бўлиши ва иш ҳисобига баҳоладиган предмет ҳақида ҳар томонлама тасаввур ҳосил қилиши керак   |



|   |  |   |
|---|--|---|
|   | 9. Муаллифлик ёндашувини такомиллаштириш                               | Портфолио тузилмаси бўйича ҳам, мазмун бўйича ҳам ягона шаклга келтирилмайди, шунинг учун унга инвариант (мажбурий) ва вариатив (мажбурий бўлмаган) компонентларни киритиш имконияти мавжуд бўлади                                      |
|   | 10. Расмийлаштириш-нинг тўлиқлиги                                      | Портфолионинг асосий (мазмуний) материални қўшимча зарур материал билан тўлдирилади (дастлабкиларини адекват тасаввур қилиш ва баҳолаш учун)  |
|   | 11. Материалларни танлашни ташкил қилиш                                | Материал билан ишлаш уларни жорий портфолиода тўплаш тартибида янада аҳамиятли (қимматли, тўлиқ, тугалланган ва ш.к.) умумий портфолиога саралаш билан кечиши керак   |
|   | 12. Ҳамкорликдаги фаолият  | Портфолиони ишлаб чиқиш билан боғлиқ барча масалаларни бу ишдан манфаатдор таълим жараёни субъектлари ҳамкорликда муҳокама қиладилар  |
| Назорат-диагностик (талабанинг ўқув ёки ўқув-касбий фаолияти ҳолатини таҳлил қилиш) | 1. Портфолио мақсад ва вазифаларини ҳисобга олиш                       | Портфолио материалларини баҳолашдан олдин ўқитувчининг талаба билан уни ишлаб чиқишдан мақсад ва вазифлар таҳлили, жумладан, унинг натижаларини баҳолаш ва расмийлаштириш учун мезонлар тизими ва усулини белгилаш мақсадида ўтказилади |
|   | 2. Портфолиони баҳолашни унинг элементларини баҳолаш билан бирлаштириш | Бутун портфолио каби унинг алоҳида бўлимлари, рукнлари ва материаллари ҳам баҳоланади, бу баҳолаш предмети, шунингдек, унга киритилган компонентлар ҳолатини баҳолаш имконини беради  |
|   | 3. Баҳолаш процедурасининг материал турига мослиги                     | Бўлимлар, рукнлар ва материалларни баҳолаш хусусиятлари (мезонлари, усули, давомийлиги, субъектлари ва ш.к.) уларда қайд қилинган ахборот тури билан белгиланади  |
|   | 4. Ўзини ўзи баҳолаш билан ташқи баҳолашни бирлаштириш                 | Портфолиога киритилган материаллар ташқи баҳоловчи каби, ички баҳоловчи (педагог, ишлар раҳбари, маслаҳатчи ва ш.к.), шунингдек, уни ишлаб чиққан ва тақдим қилган талаба томонидан баҳоланади  |
|   | 5. Фаолият жараёни ва натижасини баҳолашни бирлаштириш                 | Портфолиони баҳолаш талабанинг фақат ишлаб чиқилиб тақдим қилинган ўқув-касбий фаолияти маҳсуллари эмас, балки уларнинг юзага келишини  |

|  |  |   |
|--|--|---|
|  |  | белгилаган жараёни ҳам қамраб олиши лозим   |
|  | 6. Баҳолашнинг даврийлиги  | Портфолио материални баҳолаш узлуксиз амалга оширилиши ва талабанинг фаолияти билан бирга кечиши керак  |
|  | 7. Баҳолашнинг тўлиқлиги   | Портфолио материални баҳолаш баҳоладиган фаолиятнинг шаклланган амалиёти, шунингдек мазкур жараённинг унга жалб қилинган субъектлар томонидан муаллифлик баҳосини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади                          |
|  | 8. Таълим жараёни имкониятларини ҳисобга олиш                    | Портфолиони баҳолаш жараёни таълим жараёнининг мақсад ва вазифалари, тузилмаси ва мазмуни, мантиқига зид бўлмаслиги, балки унинг таркибий қисмига айланади  |
|  | 9. Баҳолаш натижаларини тақдим қилиш                             | Портфолио материални баҳолаш натижалари баҳолаш мақсади ва вазифалари, усули ва мезонларига, шунингдек, баҳоладиган материал тузилмаси ва мазмунига мос тарзда қайд қилинади  |
|  | 10. Педагоглар, талабалар, экспертларнинг ҳамкорликдаги фаолияти | Портфолиони баҳолаш билан боғлиқ барча масалалар бу ишдан манфаатдор таълим жараёни субъектлари муҳокамасидан ўтказилади  |
| Назорат-тузатиш киритиш (талабанинг ўқув ёки ўқув-касбий фаолияти, шунингдек, бутун ўқув жараёнига тузатиш киритиш тадбирларини режалаштириш ва амалга ошириш) | 1. Портфолио устида ишлашнинг тизимлилиги                        | Портфолио материаллари қайтар алоқани таъминлаш мақсадида талаба ва педагогнинг ҳамкорлиги ёки мустақил фаолияти доирасида доимий баҳолаб борилади (ўзини ўзи баҳолаш)  |
|  | 2. Ташкилий шароитларни яратиш                                   | Портфолио билан ишладан манфаатдор бўлган барча шахсларнинг маслаҳатлари, талабаларнинг тажриба алмашиш учун учрашувлари, омма олдидagi тақдиротлар ўзаро ҳамкорлик тартибида амалга оширилади                                  |
|  | 3. Психологик муҳит яратиш                                       | Портфолио билан ишлаш таълим жараёни субъектларининг ундan фойдаланиш, жумладан, у билан ишлаш механизмларини тушуниш, ҳамкорликдаги фаолиятдан манфаатдорлик, ўзини ўзи ривожлантириш мотивлари, фаол позициясини талаб қилади |



|  |   |   |
|--|---|---|
|  | 4. Ўзини ўзи баҳолаш ва ташқи баҳолаш якунларини ҳисобга олиш | Таълим жараёнини такомил-лаштириш ҳақида тобора асосланган қарор чиқариш учун таълим жараёнининг турли субъектлари томонидан қўйилган баҳолаш нисбатини аниқланади  |
|  | 5. Портфолиони баҳолаш жиҳатларининг барчасини ҳисобга олиш   | Талабанинг ўқув-касбий ривожланиш йўналишини белгилаш учун унинг портфолиосини баҳолаш якунларининг барча жиҳатларини (фаолият жараёни ва натижалари; унинг алоҳида босқичлари; бўлимлар, рукнлар ва материаллар; баҳолаш якунлари ва ш.к.) ҳисобга олинади |
|  | 6. Таълим муҳити имкониятларини ҳисобга олиш                  | Таълим жараёнини такомил-лаштириш йўналишларини ишлаб чиқишда мавжуд ресурслар, педагог ва таълим олувчиларнинг ҳолати, таълим жараёнининг мақсади ва вазифалари, мантиқи ва мазмуни, портфолио методининг чекланиши ва бошқалардан келиб чиқилади          |
|  | 7. Ҳамкорликдаги фаолият                                      | Портфолио материалларини баҳолашга якун ясаш ва кейинги фаолиятда ундан фойдаланиш билан боғлиқ барча масалалар бу ишдан манфаатдор таълим жараёни субъектларининг муҳокамасидан ўтказилади   |
|  | 8. Ошкоралик  | Портфолио материалларини баҳолаш якунлари ва уларнинг талабалар ўқув-касбий фаолиятига таъсир хусусиятлари шу ахборотни олишдан манфаатдор бўлган шахсларга етказилади  |

Ўқув-касбий ютуқлар портфолиоси материалларини баҳолаш хусусиятлари 2-жадвалда келтирилди.

Талабаларнинг ўқув ва ўқув-касбий фаолиятини баҳолаш қуйидагилар билан кечади:

талабаларнинг индивидуал ёки гуруҳдаги фаолиятининг портфолиога киритиладиган гувоҳномаларда қайд қилинадиган натижалари ва жараёни узлуксиз кузатиб бориш;

таълим олувчилар фаолиятига тузатиш киритиш мақсадида портфолиони ишлашини доимий ва тизимли баҳолаб бориш;

портфолионинг турли нуктаи назардан олиб чиқиладиган материаллари, рукнлари ва бўлимларига баҳоларни қиёслаш: ўқув ёки ўқув-касбий фаолиятни ташқи экспертлар томонидан баҳолаш ва ўзини ўзи баҳолаш;

портфолиони расмий тадбирлар (амалиёт ҳисоботлари, оралик ва якуний баҳолаш қайдномаларини тақдим қилиш ва ш.к.) ва норасмий тадбирлар (мастер-класс, тажриба алмашиш, илмий конференциялар) доирасида баҳолаш.

**2-жадвал. Ўқув-касбий ютуқлар портфолиосини баҳолаш**

| Бўлим     | Бўлим материалларини баҳолаш хусусиятлари   | Баҳони расмийлаштириш усули  |
|-----------|---|--|
| Хужжатлар | Кўпроқ стандартлаштирилган шкалалар бўйича баллар қўйиш билан миқдор жиҳатидан баҳолаш, зарур ҳолларда сифат кўрсаткичларидан фойдаланиш  | Талабанинг рейтинг дафтарчасига илова ёки баҳони таълим олувчининг фан бўйича якуний рейтингига киритиш (йиғма қайднома ва х.к.) |
| Ишлар     | Кўпроқ олдиндан ишлаб чиқилган кўрсаткич ва мезонларга мувофиқ сифат жиҳатидан баҳолаш. Зарур ҳолларда миқдор кўрсаткичларидан фойдаланиш | Талабанинг рейтингига қўшимча маълумот сифатида унинг ишлари илова қилинган ижодий китобчаси                                     |
| Тақризлар | Энг кам расмийлаштирилган ва тизимлаштириб бўлмайдиган бўлим сифатида на сифат, на миқдор жиҳатидан баҳоланади                            | Рейтингга тавсия характеридаги қўшимча ахборот (папка ёки бошқа кўринишда)   |

Кейинги йилларда касб таълим назарияси ва амалиётига ўқув-касбий ютуқларни таҳлил қилиш ва баҳолашнинг янги, яъни талабанинг ташқи ан қобилияти эмас, балки кўпроқ унинг ривожланишини баҳолашнинг устувор аҳамиятини кўрсатувчи концепцияси жорий қилинмоқда. Портфолио технологияси таълим олувчининг ўқув жараёнида онглилигини оширади, бу муқаррар равишда таълим олувчининг ўқув-касбий фаолиятда, шунингдек, унинг боришини таҳлил қилиш ва баҳолаш, натижаларни таҳлил қилиш ва ўз-ўзи учун масъулиятлилигининг ошиши билан бирга кечади. Шундай қилиб, таълим жараёни ва унинг натижаларини жорий ва якуний баҳолаш (ўқув-касбий ютуқларни шакллантириш жараёнида); эксперт ва ўзаробаҳолаш; шунингдек, ўзини ўзи баҳолаш; таълим олувчининг мақсадли фаоллигини расмий ва норасмий баҳолашга эришилади.

Портфолиони қўллаш касб таълими тизими учун одатий ҳол бўлиб қолган, яъни таълим олувчи фаолиятини унинг фаоллигининг қўйилган вазифаларни бевосита ишлаб чиқиш билан боғлиқ ҳолда ташқи намоён бўлишига қараб баҳолашдан воз кечиш имконини беради. Чунки бу фаолиятнинг бир қисми, холос. Шунингдек, бунда ўқув вазифасини таҳлил қилиш, уни ҳал қилиш режасини тузиш, метод ва воситаларини белгилаш, жараён ва олинган натижаларни таҳлил қилиш муаммоси кераклича даражада ўрганилмай қолади. Портфолио баҳолаш объекти талабанинг ўқув-касбий фаолияти жараёни ва натижалари, баҳолаш предмети эса ўқув-касбий ютуқлар бўлади.

Ҳозиргикунда таълим сифатига бўлган талаб кундан кун ошиб бормоқда. Иккинчи томондан эса портфолио таълим муассасалари раҳбарияти учун ўқитувчиларнинг иш фаолияти унумдорлиги мониторингини олиб бориш ва янада керакли жиҳати ўқитувчиларни ўз-ўзини кузатиш ва ўз устида ишлаши учун муҳим ҳисобланади.

Талаба портфолиосига шахсий илмий, педагогик ғоялар ва уларни самарадорлигини тасдиқловчи асосли воситаларнинг ишланмаси киритилиши лозим. Магистрант портфолиосида тартибсиз, кўчирилган ва ўғирланган маълумотлар бўлиши асло мумкин эмас.

Портфолиони яратиш – турли фаолият соҳаларида ютуққа эришиш учун магистрант босиб ўтиши зарур бўлган энг муҳим қадамлардан биридир. Резюме, тавсиянома, сертификат ва бошқалар билан бир қаторда портфолио иш берувчи олдида бўлажак ходимнинг ходимнинг нуфузини ҳар томонлама ёритиб беришда муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир магистрантнинг ҳаётида қизиқарли, арзигулик «касбий ютуқлари» бўлади. Бундай ютуқлар унинг сайтида ёки портфолиосида жойлашиши мақсадга мувофиқ.

Портфолионинг асосий жиҳати талабанинг ўқув ва илмий фаолиятини баҳолаш учун амалий фаолиятдаги натижаларини (бажарган лойиҳалари, олимпиада ва танловларда қатнашганлиги, олиб борган изланишлари натижаларини) намойиш этишдир. Портфолио талабага ўз ишлари натижаларини таҳлил этиш, умумлаштириш, тизимлаштириш, ўз имкониятларини объектив баҳолаш ва қийинчиликларни бартараф этишни режалаштириш ва юқори натижаларга эришиш имкониятини беради. Талаба портфолиосининг шакли. Талабанинг барча ўқув, илмий ва дарсдан ташқари фаолият натижаларини бир жойда, битта ҳужжатда жамлаш мумкин эмас. Бундай ҳолларда талабанинг барча ишлари тўпламини бирлаштириш ва унинг фаолиятини тўлиқ акс эттириш учун электрон портфолиосини яратиш зарур.

Электрон портфолио кўرғазмаллиги, қулайлиги, материалларнинг аниқ тузилишига эгаллиги билан бир қаторда яна бир қанча ўзига хос хусусиятлари ва афзалликларига эга:

- замонавийлиги;
- тезкорлиги (керакли ўзгаришни тезда киритиш имконияти);
- функционаллиги (бир қанча экспертларга, ҳамкасб-мутахассисларга, қизиқувчиларга ўз тажрибасини намойиш этиш имконияти) ҳамда ўз муваффақиятларини қайд этиб бориш, бир вақтнинг ўзиде доимий равишда тўлдириб бориш мумкин бўлган рақамли таълим ресурсларининг тизимлаштирилган медиатекасини яратиш;
- самарадорлиги (ўқитувчининг ўз-ўзини баҳолаш сифатини ошириш, бошқарувчи ҳамда талабаларга ижобий таъсир кўрсатиш);

Талабанинг сайт-портфолио шакли маълумот олиш ва излаш имкониятини беради.

Портфолио сайт-портфолио шаклида интернетда жойлаштирилмаса портфолио яратилмаган деб ҳисобланади. Юзлаб одамлар портфолиони кўра олмайди, унинг хизматларини баҳолаб, изоҳлай олмайди, олдинги педагогик ғоялар бажарилмайди. Компьютерда папкада ётган портфолио жамиятга ҳеч қандай қийматга эга эмас. Шунинг учун портфолионитармоқда сайт-портфолио сифатида жойлаштирилиши мақсадга мувофиқдир.

Талабанинг сайт-портфолиоси – бу веб-базали ресурс, иштирокчининг касбий ютуқлари ва индивидуаллигини акс эттирувчи сайтдир.

Талабанинг сайт-портфолиоси таълим муасасаси сайтининг бир қисми бўлиши ёки алоҳида мустақил ресурс бўлиши ҳам мумкин.

Электрон портфолионинг бир нечта вариантлари мавжуд:

Ютуқлар портфолиосида аҳамият фаолиятдаги ютуқларни тасдиқловчи ҳужжатларга қаратилади.

Тақдимот портфолиоси – бу талабанинг энг яхши ишлари тўплами. Ушбу портфолио янги ишга кириш учун суҳбатдан ўтиш давомида ёки турли танловларда қатнашиш учун керак бўлади.

Ҳисобот кўринишидаги портфолио – бирор лойиҳа ишини тугатаётган вақтда бажарилган ишлар ва эришилган ютуқлар ҳақида маълумот берувчи портфолиодир.

Мажмуавий портфолио – юқорида айтилган портфолио кўринишларини камраб олади ва талаба портфолиосини намоиш этишда зарур бўлади.

Битирувчилар портфолиоси олий таълим муассасаларида тайёрланаётган педагог кадрлар тўғрисидаги индивидуал маълумотлардан иш берувчиларни хабардор қилиш орқали бандликка кўмаклашиш ва меҳнат бозорида улар ўртасидаги соғлом рақобатни вужудга келтириш мақсадида яратилади.

Портфолио куйидаги йўналишлардаги маълумотларни ўз ичига олади:  
1. Битирувчи ҳақидаги умумий маълумотлар. 2. Битирувчининг касбий кўникма ва малакалари. 3. Битирувчининг илмий-ижодий фаолияти. 4. Битирувчи эришган ютуқ ва натижалар. 5. Қўшимча маълумотлар. 6. Университетни тамомлагач ишлаш истагини билдирган соҳаси. 7. Тавсифнома ва тавсиялар.

Шундайқилиб, талабанинг касбий компетенциясини баҳолашда исталган жараённинг процессуал ва натижавий томонлари алоқадорлигининг алоҳида характериға эътиборни қаратадиган процессуал-натижавий ёндашувға йўналганлик портфолиони ишлаб чиқишға бевосита таъсир кўрсатади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 27.07.2017 й., ПҚ-3151, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 30-сон, 729-модда.

2. Абдураимов Ш.С. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш сифатини таъминлашда тармоқлараро амалий интеграция. Монография. – Тошкент: Наврўз, 2014. – 120 б.

3. Бегимқулов У.Ш. Олий педагогик таълим тизимига замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини жорий этишнинг илмий-педагогик асослари. Пед.фан.доктори дисс. –Т.: 2007. – Б.250.

4. Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари: - Пед.фан.док. ...ёзилган дисс. автореферати. – Т.: 2007, – 36 б.

5. Сафин Р.С. и другие: Современные образовательные технологии в техническом вузе: монография., издательство: Изд-во Казанск. гос. архитект.-строит. унив, г. Казань, Россия, 2014, – 217 с.

6. Шарипов Ш. Ўқувчилар касбий ижодкорлиги узвийлигини таъминлашнинг назарияси ва амалиёти. Дисс. ... пед. фан. док. – Т., 2012. – 307 б.

7. Эрганова Н.Е. Педагогические технологии в профессиональном обучении. Учебник. – Москва: 2014. – С. 160.